



КИТОБ – ТАФАККУРНИНГ ОЛТИН ҚАНОТИ



Баркамоллик сари интилган ҳар бир инсон китоб билан қадрдон дўст тутиниши шубҳасиз. Китоб – зулматда нур, саҳрода сув топишни ўқитувчи доно устоз янглиғ ўзига яқин келганларнинг йўлини ёритиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 12 январида имзолаган «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши замирида ҳам ёш авлоднинг комил инсон бўлиб камол топишида муҳим замин бўлувчи китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган долзарб вазифалар ўз аксини топган.

Мазкур Фармойишда китобхонларни мағзи тўқ асарлар билан таъминлаш, чоп этилаётган китоб ва китоб маҳсулотларини кутубхоналарга, чекка ҳудудлардаги китоб дўконлари ва АРМга арзон нархларда етказиб бериш, аҳоли ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Юртимизда кун сайин китобхонларга барча шароитлар, қулайлик ва имкониятлар мужассам бўлган кутубхоналар сони ошиб бормоқда. Бу маънавияти мустақкам, фикри теран ўзбек ёшларининг эртанги истиқболи учун ўзига хос имкониятлар калити демакдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг бунёдкорлик ғоялари асосида барпо этилиб, айни кунларда ўзида 7231335 миллионли китоб фондиди жамлаган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳам ана шундай даргоҳлардан. Кутубхона ўз ўқувчиларига тонгги 09:00 дан кечки 20:00 га қадар хизмат кўрсатади. Аудиторияларда китоб ўқиётган ёшлар бисёр. Кимдир Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»ига термулганча Қайс изтиробларини хаёл қилган, яна кимнингдир кўзларида «Сиз ўшаму» жумласидан жумбушга келган кўнгил орзиқиши акланган...

Кираверишда баъзилар муддати тугаган рухсатномасини алмаштиряпти, бошқалар эса китобга ошно бўлиш истагида кутубхонага аъзо бўлмоқда.

Кутубхонага онлайн аъзо бўлиш мумкинлигини биласизми?

Ўзбекистон Миллий кутубхонасига аъзо бўлиш Миллий кутубхонанинг «Фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш» хизмати орқали амалга оширилади. Рўйхатдан ўтиш 14 ёшдагилар учун ота-онанинг паспорти (нусхаси), туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 16 ёш ва ундан катталар учун паспорт тақдим этиш орқали амалга оширилади. Миллий кутубхонага аъзо бўлган фойдаланувчига ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш электрон кутубхона картаси (ID карта) берилди.

Бундан ташқари, фойдаланувчилар тўғридан тўғри, масофавий (онлайн) рўйхатга олиш

хизматидан фойдаланишлари ҳам мумкин. Бунинг учун ibs.natlib.uz сайтида рўйхатдан ўтиш картасини тўлдириш керак бўлади. Миллий кутубхонада фойдаланувчиларга электрон ресурслардан, ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон тўлиқ матнларидан фойдаланиш учун ўзининг логин пароли билан базага кириб, шахсий кабинети орқали буюртма бериш ҳамда фойдаланиш имкониятлари яратилган.

Миллий кутубхонада фойдаланувчиларга янада қулайликлар яратиш мақсадида юридик шахслар ва уларнинг ходимларини масофадан туриб аъзо қилиш ва рўйхатга олиш хизмати ташкил этилган. Бунда ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатиш тартиби шартнома асосида жамоа фойдаланувчилар (шахслар) рўйхатдан ўтказилиши белгиланган. Бунинг учун Миллий кутубхона веб сайтида аъзо бўлиш бўйича электрон формани тўлдириб, info@natlib.uz электрон манзилга тақдим этиш белгиланган. Кутубхона ахборот хизмати маълумотларига кўра жорий йилнинг январь ойигача Миллий кутубхона фойдаланувчилари сони 158463 нафарга етган. Бу китобга ошно тутиниш истагидаги ёшларимиз сони кун сайин кенгайиб бораётганлигидан далолат, дейиш мумкин.

Китоб буюртма қилинг, у санокўли дақиқаларда қўлингизда бўлади

Кутубхонанинг ахборот-кутубхона тизими орқали босма нашрларни излаш ва уларга буюртма бериш IBS дастури орқали амалга оширилади. Бу дастурдан масофадан туриб ҳам фойдаланиш мумкин.



Нашрларни излаш ва уларга буюртма бериш учун авторизация жараёнини амалга оширасиз. Яъни дастурга уланиб кириш тугмаси босилади, логинга ўзингизнинг ID карта рақамингиз (кутубхонага аъзо бўлганингизда берилган), паролга шахсий паролингизни ёзасиз. Дастурга киргач, фойдаланувчи ўзига керакли маълумотни қидирув тури орқали белгилаб олади. Қидирув тури бир неча бўлимларга бўлинади: асосий сарлавҳа, муаллиф, мавзу номи ва бошқалар орқали қидирув амалга оширилади. Қидирув турини белгилаб олингач, маълумот киритиб, қидириш тугмаси босилади. Топилган нашрга буюртма бериш учун унинг устига тугмани босиш керак. Ундан сўнг тизим сизни нашр тўғрисидаги маълумот билан таништиради. Сиз нашрнинг босма ёки электрон шаклига буюртма беришингиз мумкин. Буюртмалар саватига буюртма учун керакли маълумотларни йиғиб бўлгач, саватча белгиси устида тугмачани босиб буюртма қилиш тасдиқланади. Буюртмангиз 15–20 дақиқада қаршингизда бўлади. Фойдаланувчилар ўз буюртмасини ўзи бириктирилган ва ID картасида кўрсатилган кафедрадан олиш имконига эга.

Масофадаги фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона ресурсларни буюртма асосида электрон почталарига тақдим этиш йўли билан амалга оширади. Масофадаги фойдаланувчиларнинг буюртмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг (www.ibs.natlib.uz) сайтида жойлашган IBS электрон каталоги ёки e.distance@natlib.uz электрон манзили орқали электрон буюртмаларни мувофиқлаштириш ва ресурсларни масофага етказиб бериш хизмати орқали етказилади. Электрон ресурслар масофадаги фойдаланувчиларга Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тақдим этилади.

Бундан ташқари, китобхонлар Миллий кутубхона фондидан жой олган вақтли матбуот нашрлари билан мунтазам танишиб боришлари мумкин. Республикамизда, қолаверса, қўшни давлатларда чоп этилган вақтли матбуот нашрлари билан бир қаторда хорижий илмий-таълимий электрон базаларга ҳам обуна ташкил этилган бўлиб, бу фойдаланувчиларга илмий-оммабоп, илмий-рефератив, олий ўқув юрларининг илмий ишлари тўпламлари, шу билан биргаликда кўнгилочар газета ва журналлар билан танишиш имконини беради. Электрон маълумотлар базаларидан eLibrary.ru онлайн манба Россиядаги йирик портал ҳисобланиб, 17 миллиондан ортиқ тўлиқ матнли илмий нашрлар, рефератлар, техника, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳаларга оид маъруза материаллардан ташкил топган. Унда 37000 дан ортиқ илмий нашрлар мавжуд бўлиб, шулардан 2400 дан зиёд электрон журналлардан бепул фойдаланиш имконияти яратилган.



Янги китоблар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар...

Миллий кутубхонага келиб тушган нашрларнинг тақдирини кутубхона веб-сайти орқали ёрқин қилилади. Бундан ташқари, ўқув залла «Янги ресурслар» рукни остида янги келган адабиётларнинг кўргазмалари ташкил қилинади. Кутубхона йил давомида маънавий-маърифий ишлар режаси асосида, турли йўналишда тадбирлар ташкил қилади. Булар: давра суҳбатлари, ижтимоий учрашувлар, хотира кечалари, китоб тақдироти китоб-расми кўргазмалар.

Бундан ташқари, янги ўқув йили бошланганда янги фойдаланувчиларни кутубхона фаолияти билан таништириш мақсадида «Очиқ эшик ҳафталиги»ни ташкиллаштириш одат тусини олди. Мутахассислар ва фойдаланувчилар аъзолик тарзда ҳар йили куз ойларида «Илмий ахборот-кутубхона ҳафталиги» ўтказилади. Ҳафталик республикадаги ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини замонавий, юқори самарали ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳолда ахборот олишнинг манбаи, шакллари методлари ҳамда мавжуд услублар ва имконият асосида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал, билим, маънавий-ахлоқий маданият эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш ҳамда соҳа мутахассислари билан ахборот кутубхона фаолиятини такомиллаштириш бўйича фикр алмашиш майдончаси ҳисобланади.

Кутубхонада икки юз мингдан ортиқ ноёб китоблар мажмуи

– Кутубхонамизнинг қўлғина, нодир алоҳида қимматга эга нашрлар фонди нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақаси ҳам алоҳида қимматли саналади, – дейди кутубхонанинг Умумий фондларни сақлаш хизмати раҳбари Матлуба Мирҳожиева. – Фондда икки минг нусхадан ортиқ ноёб китоблар мажмуи, улардан 28 мингдан ортиғи алоҳида қимматли ҳисобланади.

XIII–XIX асрларда Мовароуннаҳр (Туркистон) ва Хуросон заминида битилган қўлғина ҳам тошбосма асарлар, XVI–XVIII асрларда Фарғонада Европада чоп этилган китоблар Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «жавоҳирлар сандиғи»

сақланмоқда. Бу ердаги энг нодир асарлардан бири аббосий халифалар даврида ёзилган Абулҳасан Али бин Муҳаммад ал-Мовардийнинг «Ал аҳкомус султония вал вилоятуд диния» (Давлатчилик қонунлари ва шаръий бошқарувлар) китоби экан. У араб тилида ёзилган бўлиб, ноёб қўлёзма 378 бетдан иборат, ўлчами 23x15 см.

Фондда кўҳна Хоразм заминида таваллуд топган, жаҳон фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк аллома Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсизга бағишлаб ёзган «Муқаддимат ул-адаб» (Адаб илмига муқаддима) асари мавжуд. Қўлёзма ҳижрий 707 йили кўчирилган. Ушбу арабча-форсча луғат юз йиллар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган. Бу қўлёзма 378 бетдан иборат бўлиб, унда учта саҳҳоф (қоғозни саҳифалаб китобни муқоваловчи)нинг муҳри бор. Ундан ташқари, фондда ушбу асарнинг Чикагода нашр қилинган факсимил нусхасининг электрон варианты ҳам мавжуд.

Қўлёзмалар ва нодир нашрлар фондида Алишер Навоийнинг бир неча асари сақланаётганлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, «Маҳбуб ул-қулуб» (Кўнгилларнинг севгани) асарининг Қўқонда ҳижрий XIX асрда котиб мулла Холиқназар уста Қурбон Бешариқий томонидан кўчирилган нусхаси бор. Алишер Навоий девонининг ҳижрий 1284 йилги қўлёзма нусхаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Котиби номаълум ушбу қўлёзма чиройли настаълиқ хатида кўчирилган.

Бухорода Азизон мадрасасида ҳижрий 1272 йилда китобат қилинган «Хазойин ул-маоний» (Маънолар хазинаси) девони, «Хамса»нинг турли йилларда Тошкентда тошбосма усулида чоп этилган нусхалари кутубхонанинг бебаҳо хазинаси, десак, муболага бўлмайди.

– Ғарбий Европада босмаҳоналар пайдо бўла бошлагандан сўнг кўплаб нодир асарлар матбаа йўли билан чоп этилди, – дейди М.Мирҳоджиева. – Жумладан, Алишер Навоийнинг қадимги шоҳликлар тарихига оид «Тарихи мулуки ажам» асари «Тарихи Фанойи» номида биринчи марта Венада 1785 йилда чоп этилган. Ушбу асар Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилеи муносабати билан 1968 йилда Россия Миллий кутубхонаси томонидан совға сифатида келтирилган. Бугунги кунда Миллий кутубхона 7231335 фондли зиё чашмаларига эга. Шундан босма фонд 2016 йилда 18073 нусхага кўпайди ва умумий сони 6713243 нусхани ташкил этди. Шу билан биргаликда электрон кутубхона фонди ҳам шакллантирилиб бойитилмоқда, электрон кўринишдаги ресурслар йил давомида 154461 нусхага кўпайиб, умумий сони 518092 тага этди.

Китобхонлар сони кун сайин ортмоқда

– Бир кунда Миллий кутубхонага ўртача 2000–2500 фойдаланувчилар ташриф буюради, – дейди кутубхонанинг ўқиш заллари хизмати раҳбари Одина Ҳамидова. – Фойдаланувчилар учун 850 ўринли ўқув заллари, ўқув маркази, электрон кутубхона, китоблар музейи, кино маркази, мажлислар зали,



болалар хонаси ва тиббиёт хоналари, 12 номдаги ўқиш заллари хизматга шай. Китобхонлар учун 220 дан ортиқ компьютерлар ўрнатилган. Шунингдек, интернетга симсиз уланиш (Wi-Fi) хизмати ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу шахсий электрон қурилмалар билан ҳам интернетдан фойдаланиш имконини беради.

Хорижий тилларни текин ўрганиш имконияти

Юртимизда хорижий тилларни ўрганиш тизими ривожланиб, тил ўрганувчилар учун барча таълим муассасаларида чуқурлаштирилган тил ўқитиш тизими жорий қилинмоқда. Турли тўғарақларда эса ўқувчи-ёшлар ўз билимини мустаҳкамлаш имконига эга. Айти шундай имконият Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида ташкил этилган чет тилларни ривожлантириш ва оммавийлаштириш маркази «Your School»да ҳам мавжуд. Марказ 2014 йил 25 октябрда ташкил этилган. Уни ташкил этишдан асосий мақсад Миллий кутубхона ва республикадаги бошқа ахборот-кутубхона муассасалари негизда Ўзбекистонда чет тилларни ўрганиш тизимини кенг оммалаштириш ва ривожлантиришда ташкилий ва маслаҳат кўмагини бериш, шахс, жамият, давлат манфаатлари йўлида чет тилларни ўрганиш бўйича қўшимча дастурлар ва хизматларни амалга оширишдан иборат. Марказдаги биргина «Your English School» тўғарагида 600 нафардан ортиқ ёшлар инлиз тили сабоқларини ўрганмоқда. Шунингдек, марказ етакчилари билан ҳамкорликда аниқ мавзуларда дебат-муҳокамалар, суҳбатлар инглиз тилида ташкил этилмоқда. Май ойидан марказда «Абитуриент – 2017» абитуриентларга ёрдам бериш дастури, Your Mathematics School, Your Korean School, Your Japanese School дастурлари фаолият бошлайди.

Китоб тафаккурнинг олтин қаноти ҳисобланади. У кишиларнинг шахс сифатида шаклланишида, билими ва дунёқараши бойишида, таҳлил қилиш, дунёни англаш каби нозик ҳислари равнақида мислсиз ўринга эга. Шундай экан, китоб билан доимий ҳамроҳ тутинган кўнгилда бузғунчи ғояларга ўрин қолмайди.

Зокир ШОЙИМОВ,

«Til va adabiyot ta'limi» журнали муҳбири